

Психологик тадқиқотларда буллинг муаммосининг гендер тахлили

Д.Д.Ориббоева
Н.Б.Каримова

Аннотация: Мақолада сўнги йилларда буллинг муаммоси жамоатчиликни ташвишга солаётган муаммолардан бири эканлигига эътибор қаратилган. Дунё мактабларида рўй бераётган турли безориликлар ва ўқувчиларнинг бундай зўравонликларнинг қурбони сифатида психикасида рўй бераётган муаммоларга урғу берган бўлиб, буллинг ходисасининг бевосита иштирокчилари сифатида кўпроқ қайси жинс вакиллари иштирок этиши масаласи ёритилган.

Калит сўзлар: буллинг, жинсий фарқлар, ўсмирлар, профилактика, зўравонлик, низолар, вербал, агрессия

Gender analysis of the bullying phenomenon in psychological research

D.D.Oribbaeva
N.B.Karimova

Abstract: The article draws attention to the fact that the problem of bullying has become one of the problems that have been of concern to society in recent years. The article focuses on the various types of bullying that occur in schools around the world and the psychological problems that students experience as victims of such violence, and the issue of which gender is more likely to participate as direct participants in bullying incidents is discussed.

Keywords: bullying, gender differences, adolescents, prevention, violence, conflicts, verbal, aggression

Сўнги йилларда буллинг муаммоси нафақат умумий ўрта таълим мактаблари раҳбариятини, балки ота-оналарни, ўқитувчиларни, социолог ва сиёсатчиларни ҳамда жамоатчилик вакиллари ҳам кўпроқ ташвишга солмоқда. Бутун дунёда умумтаълим мактабларида рўй бераётган турли безорилик ва ўқувчиларнинг зўравонликдан кейин қурбон бўлиши тушунчасини ўрганувчи тадқиқотлар, нашрлар пайдо бўлишига қарамай, муаммо ҳалигача бутунлай ўз ечимини топиб улгурмади [Berdyshev, 2005; Vochaver, Xlomov, 2013; Butenko, 2015 yil; Volkova, 2016 yil; Glazman, 2009; Kohn, 2006; Krivtsova,

Shchapkina, Belevich, 2016 yil; Nesterova, 2015 yil; Petrosyants, 2011 yil; Sobkin, 2014; Kohut, 2007; Li, 2011 yil; Losey, 2011 yil; Olweus, 1993; Sourander va boshqalar, 2007; Wolke, 2012 va boshqalar].

Мактабда ўқувчилар орасида рўй берадиган буллинг муаммолари билан шуғулланувчи психологлар (Л.С.Алексеева, А.А.Бочавер, И.С.Бердишев, О.Л.Глазман, С.В.Кривцова, Д.А.Кутузова, В.Р.Петросянц ва бошқалар) нинг илмий тадқиқотларида аниқланишича бу муаммо азалий мавзулардан бири бўлган ва шундай бўлиб қолмоқда.

"Буллинг" атамаси илмий адабиётларда фақат ўтган асрнинг 90-йиллари бошларида пайдо бўлган, у дастлаб, "моббинг" атамаси сифатида қўлланилиб бир гуруҳ одамлар томонидан бир кишини мунтазам равишда таъқиб қилиш учун ишлатиладиган тушунча сифатида таърифланган [7], ҳамда биринчи марта швед шифокори Петер-Пауль Хайнеманн томонидан ишлатилган. Рус тадқиқотчиси Д. Олвеус томонидан "Мактаблардаги буллинг" деб номланган китоб нашр этилгандан сўнг, чет эллик психологлар орасида ҳам "буллинг" феноменига катта қизиқиш пайдо бўлди. [16].

Ушбу мавзу тезда жаҳон психологиясининг ўрганиш объектига айланди ҳамда буллингнинг олдини олиш ва тўхтатиш соҳасидаги педагогик ва психологик тадқиқотлар тез ривожлана бошлади. Британиялик тадқиқотчи Д. Лейннинг изланишларида буллинг ҳодисаси етарлича батафсил ёритилган бўлиб, муаллиф ушбу ҳодисанинг сабабларини ва келтириб чиқарган омилларни ўз асарларидан бирида таъкидлаган. [10].

1990-йилларга қадар бундай тадқиқотлар асосан Ғарб олимлари (Гейнеманн, Д. Олвеус, Лейманн, Пикас, Roland, Orton, Таттум, Лейн, Спарксетал) томонидан олиб борилган ва улар жамоатчилик эътиборини мактаб безорилиги муаммосига қаратишга ҳаракат қилганлар. Кейинчалик, буллингнинг намоён бўлиши, қурбонлар ва булллерларнинг психологик хусусиятлари ва турли мамлакатларда ушбу муаммони ҳал қилишнинг умумэътироф этилган ёндашувлари тасвирланган экспериментал маълумотлар тақдим этила бошланди.

Россия психологлари амалиётида буллинг муаммоси узоқ вақт давомида "изоляция қилинган" ижтимоий камчиликнинг кўрсаткичи сифатида талқин қилинган (тўлиқ бўлмаган оила, "эътибордан четда қолган мактаб", вақтинчалик қийинчиликлар) бўлса ҳозирги вақтда шафқатсизлик ва зўравонлик моддий, синфий, ирқий, маданий, диний, ижтимоий-иқтисодий ва ҳоказолардан қатъи назар, аҳолининг барча қатламлари ва тоифаларида содир бўлиши исботланди.

Олимлар томонидан боланинг ҳаёти ва ривожланишидаги "сенсор", яъни зўравонликка нисбатан энг сезгир даврлар аниқланди. Бу даврлар анатомик-физиологик, гормонал, эмоционал-шахсий ва психоижтимоий ўзгаришлар билан

боғлиқ бўлиб, булар болани энг заиф ҳолатга келтиради. Бу даврлардан бири, ўсмирлик даври ҳисобланади. [1, б. 13-14].

Хорижий тадқиқотчилар А.А.Бочавер ва К.Д.Хломовнинг илмий хулосаларига кўра, асосан бошланғич мактаб ўқувчилари тўғридан-тўғри таъқибга дуч келади, ўрта ва юқори синфларда эса билвосита таъқиб кўпроқ кузатилади.

Шунингдек, ўғил болалар қизларга қараганда таъқибда турли ролларда (қурбон, таъқибчи, гувоҳ) сифатида иштирок этишга кўпроқ мойил эканлиги аниқланган. Одатда ўғил болаларнинг ўзлари ҳам кўпроқ жисмоний таъқиб қурбони бўлишади – кўпинча кучлилар томонидан уларнинг пуллари олиб қўйилади, буюмларига шикаст етказилади, ўзларига таҳдид қилинади ўзлари ҳоҳламаган ишларни бажаришга мажбур қилинади. Қизлар эса кўпинча таъқибчилар томонидан тарқатилган гап-сўзлар, номуносиб гаплар ва имо-ишоралар қурбони бўлишади. [3]

Ольвеус томонидан олинган буллинг қурбонларига оид статистика маълумотларини таҳлил қилган С.В. Кривцова буллинг қурбонларида аниқ жинсий фарқлар йўқлиги ҳақида хулоса келади – унинг фикрича ўғил болалар ва қизлар тахминан бир хил даражада таъқибга дуч келадилар [7]. В.С. Собкин ва М.М. Смыслова томонидан ўтказилган тадқиқот материалларида эса ўғил болалар қизларга қараганда руҳий ёки жисмоний зўравонликка дуч келмаганликларини камроқ қайд этилганилигини кўрсатади. Шу билан бирга, ўғил болалар қизларга қараганда руҳий ёки жисмоний зўравонлик ҳолатларини кўпроқ бошдан ўтказадилар [13, б. 76].

Хорижий ва маҳаллий тадқиқотларнинг мактаб буллинги феномени бўйича назарий маълумотларини таҳлил этиш натижасида, муаммони ва унинг сабабларини тушуниш учун турли омилларни, аввало, иштирокчиларнинг гендер хусусиятларини, уларнинг зўравонликнинг тури ва шаклларини тавсифловчи омилларни ҳисобга олиш кераклиги аниқланди. Қизлар ва ўғил болаларнинг эмпативлик даражалари ўзаро фарқ қилмасида агрессивлик даражаси ўғил болаларда қизларга нисбатан анча юқори. Қизларда эса вербал тажаввуз юқори.

Шундай қилиб, ўғил болалар ва қизлар ўсмирлик даврида бирдек буллингни юзага келишига бирдек мойил бўлиб фақатгина буллинг қандай намоён бўлишида (билвоситв еки тўғридан-тўғри) ва қандай турдаги агрессия қўлланилишида (жисмоний ёки психологик) кўринади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Алексеева Л.С. Жестокое обращение с детьми: его последствия и предотвращение. М.: Национальный книжный центр «Сентябрь», 2016. 180 с.

2. Бочавер А.А., Хломов К.Д. Буллинг как объект исследований и культурный феномен // Психология.Журнал Высшей школы экономики.2013.Т.10.№ 3.С.149-159.

3. Глазман О.Л. Психологические особенности участников буллинга // Известия Российского государственного педагогического университета имени А.И.Герцена.2009.№ 105.С.159—165.

4. Кривцова С.В., Шапкина А.Н., Белевич А.А. Буллинг в школах мира: Австрия, Германия, Россия.Образовательная политика.2016.№ 3 (73).С.97— 119.

5. Собкин В.С., Смыслова М.М. Буллинг в стенах школы: влияние социокультурного контекста (по материалам кросскультурного исследования) // Социальная психология и общество.2014.Т.5.№ 2.С.71—86.

6. Dilafruz Dadamirzayevna Oribboyeva PSIXOLOGINVESTIKA VA LINGVISTIK KOMPETENSIYA // Academic research in educational sciences. 2024. №CSPU Conference 1. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/psixologinvestika-valingvistik-kompetensiya> (дата обращения: 09.02.2025).

7. Oribboyeva, D. D., & Botirova, Z. (2024). Kichik yoshdagi maktab o'quvchilarida tashkilotchilik qobiliyatlarini rivojlantirish xususiyatlarining rivojlanishi. Science and Education, 5(3), 541-544.

8. Oribboyeva, D. (2024). BULLING O 'SMIRLARDA DOLZARB MUAMMO SIFATIDA. Universal xalqaro ilmiy jurnal, 1(12), 115-117.

9. Orifboeva, D. D. (2016). O 'QITISH FAOLIYATI JARAYONIDA Stressni oldini olish. NovaInfo. Ru, 3(41), 217-220.

10. Dilshoda, I., & Oribboeva, D. D. (2024). AUTIZM NAMOYON BOLISHINING PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI. Journal of new century innovations, 63(3), 74-77.

11. Roziqova, M., & Moxistarabonu, X. (2024). INKLYUZIV TALIMNI TASHKIL ETISH VA RIVOJLANTIRISHNING AHAMIYATI. ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ, 41(1), 92-94.

12. KO, K. Z. O. V. Z., & MAXSUS, R. B. KORREKSION MASHG'ULOTLARNI TASHKIL ETILISHI Roziqova Malika Olim qizi.

13. Roziqova, M. (2024). O'smirlarda ijtimoiy tarmoqlar tasirida yuzaga keladigan muammolar va ularning oldini olish psixologik xizmatning dolzarb vazifasi sifatida. Образование наука и инновационные идеи в мире, 41(1), 95-97.

14. Roziqova, M. (2023). Baynalminal oilalarning ijtimoiy-psixologik xususiyatlari. Interpretation and researches, 1(1).

15. Дилшодбек Юлдашали Ўғли Абдуллаев (2025). Юқори синф ўқувчиларида фаол фуқаролик позициясини ривожлантиришининг педагогик ва психологик хусусиятлари. Science and Education, 6 (2), 441-452.

16. Baxoniddinovna, K. N. (2024). NUTQIDA NUQSONI BO'LGAN BOLALARNI MAKTABGA TAYYORLIGINI PSIXOLOGOGIK–PEDAGOGIK TEKSHIRISH, TAMOYILLARI, METODLARI VA VAZIFALARI. World Scientific Research Journal, 32(1), 142-147.

17. Baxoniddinovna, K. N. (2024). DUDUQLANUVCHI BOLALARDA O'YINLAR ORQALI MUSTAQIL NUTQNI SHAKLLANTIRISH. Journal of new century innovations, 64(1), 146-149.

18. Baxoniddinovna, K. N. (2024). NUTQIDA NUQSONI BO'LGAN BOLALARNI MAKTABGA TAYYORLIGINI PSIXOLOGOGIK–PEDAGOGIK TEKSHIRISH, TAMOYILLARI, METODLARI VA VAZIFALARI. World Scientific Research Journal, 32(1), 142-147.

19. Baxoniddinovna, K. N. (2024). DUDUQLANUVCHI BOLALARDA O'YINLAR ORQALI MUSTAQIL NUTQNI SHAKLLANTIRISH. Journal of new century innovations, 64(1), 146-149..

20. Baxoniddinovna, K. N. (2024). BO'LAJAK DEFEKTOLOGLARNING KASBIY FAOLIYATIDA BOLALARDAGI DIQQAT YETISHMASLIGI VA GIPERAKTIVLIK SINDROMI BILAN BARTARAF ETISH TEXNOLOGIYALAR. IMRAS, 7(10), 9-12.

21. Baxoniddinovna, K. N. (2024). INKLYUZIV TA'LIM RIVOJLANISHIDAGI MUAMMOLAR VA YECHIMLAR. Лучшие интеллектуальные исследования, 31(1), 159-163.

22. Baxoniddinovna, K. N. (2024). EDIK ISHLARNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI". TADQIQOTLAR. UZ, 48(2), 70-75.